



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 31-avgust, chorshanba,
101 (23.668)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Фоқат ёмон
ишга қўл
уриш эмас,
яхши ишни
қилмаслик ҳам
гуноҳдир

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

31

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Дунёдаги энг улкан қахрамонлик —
бу Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида
кўрсатилган мардлик ва
жасоратдир. Бундай қахрамонлик
асло унутилмайди, ҳамisha халқ
қалбида яшайди.



МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони кўра, бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Улар орасида Самарқанддан куйидагилар бор:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ” фахрий унвони билан

ТУГОНОВА Улбуви - Пайариқ туманидаги “Тўғонов Бебит бобо” фермер хўжалиги пиллачиси.

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ордени билан

ЛАТИПОВ Ўқтам Ҳамидович - “Samarkand Touristic Centre” масъулияти чекланган жамияти бош директори.

“ДЎСТЛИК” ордени билан

САТТОРОВ Рустамжон Тешаевич - Самарқанд шаҳридаги “Bad Group” масъулияти чекланган жамияти директори;
ХУДОЙНАЗАРОВ Тўхта - Тойлоқ тумани нурунийлар жамоатчилик кенгаши фаоли.

“ЖАСОРАТ” медали билан

ҚОДИРОВ Юсуп Носирович - Самарқанд шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси.

“ШУҲРАТ” медали билан

(100 ёшдан ошганлар)

ОЛИМОВА Улуғ - Ургут тумани.

“ШУҲРАТ” медали билан

ИСҲОҚОВ Исохон Тилолович - “Самарқандйўлқўкалам” унитар корхонаси кўкаламзорлаштирувчиси;
РАҲМАТОВ Икром Аҳмедович - Оқдарё туманидаги “Зарафшон лолан парранда” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони кўра, бир гуруҳ юртдошларимиз орден ва медаллар билан мукофотланди.

Улар орасида Самарқанддан куйидагилар бор:

“ЖАСОРАТ” медали билан

ТУРОПОВ Исомиддин Намозович - вилоят боғхона бошқармаси “Улуғбек” ташқи иқтисодий фаолият боғхона пости бошлиғи.

“СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” медали билан

ҲОТАМОВ Жаҳонгир Жўраевич - вилоят прокурори.

“ШУҲРАТ” медали билан

МЎМИНОВ Баҳодир Исмоилович - Жомбой тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили.

Президентимизнинг 2022 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони кўра, бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Улар орасида Самарқанддан куйидагилар бор:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ” фахрий унвони билан

ХАЛМУРАДОВ Рустам Ибрагимович - Самарқанд давлат университети ректори.

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ” фахрий унвони билан

ИНОЯТОВ Жўракул Баҳриддинович - Самарқанд шаҳридаги “Усто” шўба корхонаси бадий раҳбари.

“ДЎСТЛИК” ордени билан

КАТТАЕВ Комилхон Салоҳиддинович - Маҳдуми Аъзам илмий-тадқиқот фонди раҳбари;

ЭРГАШЕВ Жалил Умарович - “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, хаттот;
ЮЛДАШЕВА Нозик Абдусаломовна - “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, каштадўз.

II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ордени билан

СОҲИБОВА Махсуда Мамадиёровна - вилоят болалар уйи бош шифокори;
ТОҒАЕВА Адолат - Нуробод туманидаги “Тегирмонбоши” маҳалла фуқаролар йиғини кутубхонаси мудири.

“ШУҲРАТ” медали билан

АСАДОВ Мансур Миржамолович - “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ёғоч йўмакорлиги устаси.

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ”

ТАНЛОВИДА МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



“Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий санъат намояндalари, кўшиқчилик, фото ва дизайн усталари ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги, ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди.

Танлов ғолибларини вилоят ҳокими Э.Турдимов табриклар, диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

“Энг улуг, энг азиз”

танлови вилоят босқичи ғолиблари

“САНЪАТКОРЛАРИНИНГ ЮРТНИ МАДҲ ЭТУВЧИ КҮЙ-ҚЎШИҚЛАРИ” йўналишида
Алимардон МЎМИНОВ - “Шукрона” кўшиғи учун (Нуробод тумани маданият бўлими хонандаси);
Равшан СУЛТОНОВ - “Ўзбекистон” кўшиғи учун (Оқдарё тумани маданият бўлими хонандаси);
Бахтигул КУШАНОВА - “Ватан” кўшиғи учун (Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлими солисти).

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ФОТО АСАРЛАРИ ВА ДИЗАЙН ИШЛАРИ” йўналишида
Нуриддин ИСАЕВ - Бадий академия аъзоси, ранг тасвирчи, расом;
Мансур ЮНУСОВ - “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси Тойлоқ тумани бўлими бошлиғи, дизайнер;

Собир ХУДОЙБЕРДИЕВ - “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси Ургут тумани бўлими иш бошқарувчиси, дизайнер.
“ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРИНИНГ БАДИЙ АСАРЛАРИ” йўналишида
Жумагул СУВОНОВА - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Самарқанднома” китоби учун;
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Чўққиларга интилиб” ҳамда “Салом қани?” китоблари учун;
Гулрух МЎМИНОВА - “Зарафшон” газетаси махсус муҳбири, “Нафосатнинг қудрати” китоби учун.

“ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДКОРЛАРИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ” йўналишида
Абдурашул АШУРОВ - вилоят телерадиокомпанияси муҳбири;
Дилоро ҒОЗИЕВА - вилоят радиоси муҳбири;
Шорасул НИЗОМОВ - вилоят телерадиокомпанияси тасвирчиси.

“БОСМА ОАВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ” йўналишида
Қувондиқ ХАЛИЛОВ - Самарқанд шаҳар “Самарқанд” газетаси муҳбири.

РУДАКИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Самарқанд шаҳрида форс-тожик адабиётининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Рудакий ҳайкалининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.



Қадимий кентда турли йилларда бу улуг адибнинг кичик ҳайкал ва бюстлари бўлган, аммо улар ҳар хил сабаблар билан бошқа жойга кўчирилган ёки ўз муносабати ўрнини топмаган. Ваҳоланки, шаҳарда Рудакий номи билан аталадиган катта кўча бор, шунингдек, яна бошқа бир қатор объектларга шoir номи берилган.

– Кейинги икки йилда шаҳримизнинг Рудакий номли кўчаси реконструкция қилиниб, кенгайтирилди, ҳудудда катта ҳажмдаги қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилди, – деди ёдгорликнинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Э.Турдимов. – Шу кўчанинг Бўстонсарой кўчаси билан кесишган чорраҳасида замонавий йўл ўтказгич қурилди. Йўл атрофи обод ва кўркем кўриниш олди. Бу жараёнда вилоят тожик ва тожикизабонлар миллий маданий маркази, вилоятимиз жамоатчилиги ва ижодкорлар ушбу кўча атрофида Абу Абдуллоҳ Рудакий хотира майдони ташкил этиш ва ҳайкални ўрнатиш ташаббусини билдирди. Бу ташаббус вилоят ва шаҳар ҳокимли-

ги томонидан қўллаб-қувватланиб, шу жой танланди ва обод қилинди. Таниқли ҳайкалтарош Туркман Эсонов улуг адибнинг салобатли ҳайкалини яратди.

Маросимда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, вилоят ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари сўзга чиқиб, бу эзгу иш ташаббускорларига миннатдорлик билдирди.

– Бу кўркем майдоннинг ташкил этилиши мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишларнинг яна бир кўриниши, – дейди “Овози Самарқанд” газетаси муҳаррири Баҳодир Раҳмонов. – Абу Абдуллоҳ Рудакий ёзиб қолдирган нодир асарлар минг йиллик тарихга эга бўлса-да, бугун ҳам ўз ахамиятини йўқотмаган. Унинг ғазал ва рубойларидаги Ватанни севиш, тинчликнинг қадрига етишга ундовчи ғоялар ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам биз вилоят ҳокимлиги кўмагида улуг адибнинг энг сара рубойларидан иборат китоб тайёрлаб, ўзбек ва тожик тилларида чоп этдик.

Ўз муҳбиримиз.

– Қишлоғимиз йўлида юриб бўлмайдими, ёзда – чанг, тупроқ, ёғинчарчилик бошланса – лой. Йўлимизни сошлаб беринг!

– Ўтган асрнинг 70-йилларида қишлоғимизга электр энергияси келган, ўша пайтда қурилган трансформатор ва симёғочлардан фойдаланамиз. Афсуски, уларнинг аксарияти муддатини ўтаб, яроқсиз бўлиб қолди. Янгилаш керак.

– Болаларимиз 10 километргача йўл босиб, мактабга боришига тўғри келадди. Баҳор ва кузда бир амаллаб бориб келишди, лекин қишда жуда қийин-да. Фарзандларимизни мактабга юбориб, биз ота-оналар юрак ҳовучлаб ўтираемиз эсон-омон бориб келишим, деб. Мактаб қуриб беринглар ёки транспорт қатновини йўлга қўйишда ёрдам беринг!

– Артезиан қудуқларимиз ишдан чиққан, ўзимиз қазиб олган қудуқлардан сув ичамиз. Ичимлик сув тармоқлари янгиланса, дегандик...

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Бу – вилоят ҳокими Э.Турдимов фуқароларнинг муносабатларини жойида ўрганиш, аҳоли турмуш тарзи билан танишиш мақсадида июль ойи ўрталарида Пайариқ туманининг энг чекка, вилоят марказидан қарийб 100 километр олинсада Ғаллакор маҳалласида ўтказган учрашувда билдирилган фикрлар, одамларнинг арзи.

Мазкур маҳалла ва ҳудуддаги бошқа аҳоли пунктлари вакилларининг муносабатларини ҳоким ҳамда вилоят ва туман масъуллари эшитиб, ҳар бир масала юзасидан чора-тадбирлар белгиланган. Муносабатлар ижроси бир ойдан кейин ўрганилиши айтилган.

Ҳўш, учрашувдан сўнг ғаллакорликлар ҳаётида нима ўзгарди? Муаммолар ҳал этилдими?

Шу ва бошқа саволларга жавоб излаб Ғаллакорга йўл олдик. Бир ой олдин тиззагача тупроқ, улов юрса, атрофни чанг қоплайдиган йўлларга тош-шағал тўшалибди, қишлоқ ичи асфальт қилинган. Тоғлар орасидаги қишлоқларга ҳам автомашина ва бошқа транспорт воситаларида бемалол бориш мумкин, шинани тош тешиши мумкин, тупроқ ёки лойда ботиб қолади, деган хавотир йўқ.

Аҳоли яшаш манзилларига яқинлашиши билан кенг қўламадаги қурилиш, обodonлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Йўлсозлар сўнгги юмушларни бажараётган бўлса, катта юк машиналарида келтирилган темирбетон устунлар пешма-теш ўрнатилиб, янги электр тармоғи тортилмоқда. Сувчилар ишдан чиққан иншоотларни янгилашга киришган. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эгалари ҳам бу ишлардан

четда қолмади, ўзи ишлайдиган масканни обод қилиб қўйишга ҳаракат бошлаган. Боғча, мактаб ҳам маҳалланинг янгича қиёфасига мослаштирилмоқда.

Маҳалла раисини фуқаролар йиғини учун янги қурилатган бино ҳашарида учратдик.

– Хўш келибсизлар! Бир ойдан буён маҳалламизда ана шу кун – ҳаёт кайнапти-да, – дейди “Ғаллакор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳрулла Шакарнов. – Очиғи, бизнинг қишлоғимиз ҳам “Обод қишлоқ” дастурига киритилиб, маҳалламиз, муаммоларимиз ҳал бўлармикан, деган умидда вилоят ҳокимига мурожаат қилгандик. Кейинги йилларда дастурга киритилиб, ишлар бошланса ҳам катта гап, деб ўйлагандик. Ҳокимимиз қишлоғимизга биратўла масъулларни ҳам бошлаб келган экан, учрашувдан кейинки ишлар бошланди. Вилоят Халқ қабулхонаси раҳбари шу ерга келиб олди. Мурожаатлар асосида чора-тадбирлар белгиланганди, ҳар бирини сўраб, назорат қилиб турди. Туманимиз ҳокими ҳам кунда, кунора келиб, ишлар боришини ўрганди. Мана, натижани кўриб турибсиз, бир ойга етмай, кўп масалаларимиз ҳал бўлди. Йўлдан юриб келаясизлар, умуман тош тўшалмаган кўчаларимиз асфальт бўлиб қолди. Бу-лоқбоши қишлоғидаги 1 километр йўлга асфальт ётқизилди. Шу қишлоққача бўлган 6 километр тупроқ йўлга тош-шағал тўшалди. Туркмановулда ҳам 2 километр тупроқ йўл таъмирланди.

Раис билан бирга маҳалла кўчаларидан юриб, амалга оширилган ишлар билан танишдик.

(Давоми 4-саҳифада) >>>

Лойиҳалар асосида инсон манфаатлари ҳимояси бор

Аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни беқийс.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича 2020-2025 йилларга мўлжалланган Миллий стратегияси тасдиқланган эди. Миллий стратегияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи 12 та кодекс ҳамда 33 та қонун ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш назарда тутилган.

Бугунги кунда конституциявий ислохотларнинг “Инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётгани ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиянинг ўз вақтида қабул қилингани ва мамлакат ривожланиши йўлида зарур қадам бўлганини кўрсатади.

Алоҳида қайд этиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Буни бугун Самарқанд вилоятида мавжуд 750 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти давлат бошқаруви органлари томонидан муҳим қарорларни қабул қилишда, мамлакат ва жамият ҳаёти учун долзарб қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этаётгани, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етказишда ташаббус кўрсатаётгани ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали тарзда олиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг барча соҳадаги, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

24 август кунини “Инсон ҳуқуқлари ва миллий манфаатларини таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги” мавзусида ўтган Миллий форум инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи ва умумлаштирувчи ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида ижтимоий шериклик йўналишларини аниқ белгилаб берувчи ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Видеоконференция шаклида ўтказилган форумда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси К.Ишонхўжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Ш.Вафоев форум иштирокчилари билан ўзаро фикр алмашиб, соҳага

доир фикрларини билдирди. Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги фаолиятининг аҳамияти хусусида сўз борди.

– Ўтган йили республикада 400 миллиард сўмлик 120 дан ортиқ лойиҳа маҳаллий бюджетдан молиялаштирилди, – деди К.Ишонхўжаев. – Ушбу лойиҳаларнинг барчасининг негизида инсон манфаатлари ётибди. Жазони ижро этиш муассасаларидаги фуқароларга касб-ҳунар ўргатиш, эҳтиёжманд хотин-қизларга бепул ҳунар ўргатиш, уларга илк ишини бошлаши учун ускуналар ажратиш, одам савдосидан жабр чекканларга ёрдам кўрсатиш каби кўплаб лойиҳалар шулар жумласидан.

Таъкидлаш ўринлики, ижтимоий шерикликда жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишларини тизимли равишда амалга ошириш, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари кўмаги Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида жамоат фонди, Бу борадаги ижтимоий шериклик институти давлат ва нодавлат тузилмаларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб боришига замин яратяди.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда фаоллик кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сафи кенг. Айтиш жоизки, вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш бўйича ННТ иштирокини кучайтиришда ЎзННТМанинг Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган давлат грант танловлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу фондлар томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили грант танлови эълон қилинаётди. Уларда оқори баҳоланган ва молиялаштирилган лойиҳалар асосида давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилаётган аниқ манзилли чора-тадбирлар ўзининг амалий натижаларини берапти.

Умуман олганда, Миллий форум жамиятда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик принциплари асосланган ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқишга хизмат қилади.

Фотех РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси асосли ҳудудий бўлимиаси бошлиғи.

Бундан ўн тўққиз йил аввал Нарпайнинг чекка Обихаёт маҳалласида яшовчи Санақуловлар оиласида биринчи фарзанд – қизалоқ дунёга келди. Чақалоқ ҳаракат таянч аъзоларида нуқсон билан туғилганлиги учунми, бу хонадонда хурсандчилик ҳаминқадар бўлди. Соғлом камолга етишини истаб, унга Камола деб исм қўйишди. Отабек оталик, Зилола оналик бахтига муяссар бўлгани учун ҳам кўнгилларида шукроналик билан фарзандининг соғайиб кетишидан умид қилиб, қўлидан келгунча уни доволатишга ҳаракат қилди. Аммо қизалоқнинг дардига даво топилмагач, тақдирга тан бериб, яшай бошлади. Камоланинг ортидан яна икки фарзанд туғилди. Улар соғлом дунёга келди.

Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан

Камола оёққа туряпти

– Бориға шуқур қилиб яшаб келяпмиз, – дейди Зилола Нарзиева. – Шу қизимнинг ногиронлиги сабабли узоққа чиқиб, ишопламасдим. Аммо рўзгор тебратишда турмуш ўртоғимга ёрдам беришни чин дилдан истардим. Ўтган йили маҳалла фаоллари холимиздан хабар олиш учун келганида томорқада ишлаётганимни кўриб, субсидия асосида иссиқхона қуриб берилиши мумкинлигини айттишди. Бу таклифни жон деб қабул қилдим. Шу йилнинг январь ойида қишлоқдош укамиз Аббосжон эшигимизни тақиллатиб келди. Маҳалламизда ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаганини, нима муаммомиз бўлса, қўлидан келганча ёрдам бериши мумкинлигини айтди. Мен эса ҳеч қандай муаммомиз йўқлигини айтдим. Ногирон қизим Камола билан ҳам узоқ суҳбатлашди. Унинг ораулари ҳақида суҳбат ва унга тез кунда оёққа туриши, қўллари ҳам ҳаракат қилишини айтди. Қизим бундан жуда хурсанд бўлди.

Дарҳақиқат, жорий йил бошида маҳаллада ҳоким ёрдамчиси вазифасида иш бошлаган Аббосжон Муродов хонадонма-хонадон юриб, муаммоларни ўрганиб ва уларга ечим топишга киришди. Жумладан, Камолага ҳам ёрдам беришни чин дилдан истади. Сўраб-суриштириб, пойтахтдаги айнан шу қизда мавжуд касалликларни даволовчи шифокорлар билан телефон орқали боғланди. Улар беморни тиббий кўриқдан ўтказиб, ҳулоса бериши мумкинлигини айтганча, Камолани онасига қўшиб Тошкентга юборди.

– Жуда хижолат бўлдим, – дейди Камоланинг онаси. – Тошкентга бориб келиш харажатларимиз ҳоким ёрдамчисининг биринчи ойлигидан қопланди. Пойтахтга бориб, Аббосжон гапланган шифокорга учрадик. У қизимнинг оёққа туриб кетиши мумкинлигини, бунинг учун операция қилиш кераклигини, қолган гапларни ҳоким ёрдамчиси билан маслаҳатлашиши-

ни айтди.

Ҳа, энди операция учун кўп миқдорда пул керак. Бу масала қандай ечим топади, ҳали номаълум эди.

– Қизим билан қишлоққа қайтдик, – дейди она кўзига ёш олиб. – Ногиронлик аравачасида ўтирган фарзандимнинг шу пайтгача қўллари тўлиқ ҳаракатланмасди. Фақатгина бармоқларидагина жон бор эди, холос. Тошкентдан қайтганимизнинг эртаси кун мўъжиза юз берди. Қизим аравачасининг гилдиракларини ўз қўллари билан юргиза бошлади.

Ҳали ҳеч қандай муолажа қилинмасдан, икки оғиз ширин сўзга Камоланинг қўллари ҳаракатга келди. – Аббос акам бизниқига келиб, менинг тузалиб кетишим мумкинлигини айтганда, оёқ-қўлларимга куч киргандай бўлганди, – дейди Камола. – Аммо ишонмай тургандим. Тошкентга бориб, шифокорлардан операциядан кейин юриб кетишим мумкинлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Бир кун ташқарида аравачада ўтириб, гилдиракларни ҳаракатлантириб кўрдим. Удалагандай бўлдим. Шу пайтгача қўлларимни кўтаролмасдим, ҳовли супураётган онамга қараб, икки қўлимни кўтариб, бу ёққа келинг, дегандай ишора қилдим. У югуриб келди. Ундан пул сўрадим, фақат ҳеч кимнинг ёрдамисиз, дўконга бориб, у-бу нарса олиб келишимни айтдим.

Бу гапни эшитган ҳоким ёрдамчиси жуда катта хайрли ишга қўл урганлигини ҳис қилди ва тошкентлик шифокор айтган пулни топиш йўллари қидирди. У Камоланинг оиласини “Темир дафтар”га киритди. Туман ҳокимига бўлган воқеани гапириб берди ва “Саховат ва кўмак жамғармаси” маблағидан шу қизнинг даволанишига маблағ ажратилиши зарурлигини билдирди. Унинг ташаббуси қўллаб-қувватланди. Муваффақиятли ўтган жарроҳлик амалиёти ва керакли муолажалардан сўнг икки бўкилиб, бир-бирига



ёпишиб турган оёқлар ҳам жонлана бошлади. Камола ҳозирда нимагадир суяниб бўлса-да, ўз оёқларида тура олапти.

– Энди бутунлай тузалиб кетишимга ишоняпман, – дейди у қатъиятлик билан. – Соғайиб кетсам, Аббос акамнинг яхшиликларини яхши кунларида қайтараман. Тадбиркорлик билан шуғулланаман. Ота-онамнинг 20 йил мен сабаб бошидан кечирган қийинчиликларини унуттиришга ҳаракат қиламан. Автомашина сотиб олиб, уларни саёҳатларга олиб бораман. Кўчани асфальт қилдираман. Ўзим каби аравачада юрганларга далда бўлиб, уларнинг соғайиб кетишларига кўмаклашаман.

Ҳоким ёрдамчиси хонадонга кириб бориб, ҳол сўрамаганида бу хайрли ишлар бошланармиди?! Сабаби Камоланинг онаси шу пайтгача бировдан ёрдам сўраб бормеган.

– Ёлғон бўлмасин, яқинда бир марта сайёр қабулга бордим, – дейди у қулиб. – Раҳбарлар мендан қандай муаммоларим борлигини сўради. Мен эса ҳеч қачон сайёр қабулларга муаммо билан келмаслигини, раҳбарларга, улар орқали мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдириш истагиде келганимни айтдим. Мени тинглаганлар хурсанд бўлиб, бундай ҳолатлар камдан-кам учрашини айтди. Ҳақиқатан ҳам оилада, маҳаллада ҳақ этилиши мумкин бўлган арзимас муаммолари билан сайёр қабулга борган одамларни кўрдим. Раҳбарларга раҳмат айтиб, қизимнинг тўлиқ соғайиб кетиши учун дуо қилиб туришларини сўрадим, холос.

Биз ҳам Камоланинг оёққа туриб кетишига, кўзлаган мақсадларига етишишига ишонамиз. Обихаёт маҳалласида ҳоким ёрдамчиси вазифасида фаолият олиб бораётган Аббос Муродов каби доғдирлар сафи кенгайишини истаётимиз.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Ҳусан ЭЛТОЕВ (сурат).

“ЎЗ УЙИНГ — ЎЛАН ТЎШАГИНИГ” БЎЛМАЙ ЧИҚСА...

ёхуд уй-жой низосининг сабаби ва ечимлари ҳақида

Таҳририятимизга мурожаат қилганлар орасида уй-жой низоси сабабли судма-суд юрганлар, уйи бўла туриб, ўзи ижарада яшаётганлар бор. Уларнинг муаммосини ўрганар экансиз, ўз ҳуқуқини билмаслик ёки жойида қўлламаслик қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англагандек бўласиз. Ҳўш, бундай мураккаб вазиятга тушиб қолмаслик ёки ундан чиқиш учун нима қилиш керак? “Сиёб” адвокатлар ҳайъати бошқарувчиси, адвокат Замира ҒАЙБУЛЛАЕВА билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

– Замира опа, кузатувларимиз уй-жой билан боғлиқ можароларнинг аксарияти эр-хотиннинг ажрашиши оқибатида юзага келаётганини кўрсатмоқда. Айтинг-чи, бу оворагарчиликнинг олдини олиш, жумладан, эр ва хотин ўртасидаги мулк муносабатни олдиндан белгилаш мумкинми?

– Жуда ўринли савол. Бу муаммонинг асосий сабаби юртимизда хали ҳам эр-хотиннинг мулк муносабатлари шартномавий шаклда белгиланмаётганида. Яъни, оилалар никоҳ шартномасини тузмай яшаб келмоқда. Холбуки, Оила кодексига ҳам ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, эр ва хотиннинг мулк ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш учун алоҳида боб ажратилган. Унда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулки, шунингдек, никоҳ қайд этилгунча қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулк, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланиши қайд этилган. Бизда оила қуришдан олдин масаланинг бу жиҳатини ўйлаб кўришмаётми. Оқибатда иш ажрашишга келганда, мулкни бўлиш билан боғлиқ можаролар келиб чиқади. Шаръий никоҳ асосида яшовчи фуқароларда бу янада мураккаб кўриниш касб этади.

Қонунчилигимизга мувофиқ, эр-хотин ўртасидаги никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунча қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. У ёзма шаклда тузилади ва албатта, нотариал тасдиқланиши шарт. Ушбу шартнома тарафларнинг мулкни ўзаро келишув асосида бўлиб олишининг

ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

– Суҳбатимизни фуқаролар мурожаатлари асосида давом эттирсак. Фуқаро эри билан қонуний ажрашган бўлса-да, бир хонадонда яшаб келганлиги, аммо бир муддат қариндошиникига кетганида собиқ эри маҳалладан “У бу ерда яшамайди”, деган “справка”ни олиб, уни уйдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилгани ва уйни сотиб юборганини баён этган. Бундай ҳолатда бошпанасиз қолган фуқаро қандай йўл туттиши керак?

– Собиқ эр ва хотин бирга яшаб келаётган хонадон уларнинг никоҳи давомида олинган бўлса, у уларнинг умумий мулк ҳисобланади ва эр собиқ хотиннинг розилигисиз уни сотиши мумкин эмас.

Агар эр-хотин ажрашган ҳолатда ҳам мулкни бўлмай, бирга яшаб келаётган бўлса, улардан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабабли билдирган талабига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Бунда жабрланувчи томон судга тураржойни умумий мулк, шунингдек, эри томонидан имзоланган олди-сотиш шартномасини ҳақиқий эмас, деб топилган мурожаат қилиши керак. Шу билан бирга, у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нотўғри маълумотнома берган маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Агар уй эр томонидан никоҳгача бўлган даврда олинган бўлса, хотини шу уйда рўйхатга олинган шахс сифатида ундан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Аёлнинг



Конституция ва бошқа қонунларимиз билан кўрикланади. Агар уй-жой қалбаки ҳужжатлар асосида сотилган бўлса, жараёнга алоқадор барча шахслар қонун олдига жавоб бериши шарт.

– Эр хотини билан ажрашиш олдида номидаги барча мол-мулк, шу жумладан, уй-жойни ҳам ола-уқалари номига ўтказиб берган. Бу вазиятда аёл қандай йўл билан ўз ҳуқуқларини тиклайди?

– Агар эр барча мол-мулкни ўз қариндошлари номига расмийлаштириш жараёнида хотиннинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олган бўлса, мурожаатчининг бу мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқи қолмаган ҳисобланади. Модомики, ушбу ҳаракат олдиндан режалаштирилган гараз мақсадда ёки фуқарони алдаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш йўли билан амалга оширилган бўлса ва хотини буни исботлай олса, унинг эри томонидан тузилган битимлар суд тартибиде ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

– Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро маҳалласидаги якка-ёлғиз қарияга ғамхўрлик қилганини, унинг вафотидан сўнг эса уйини қонун талаблари асосида ўз номига расмийлаштириб олгани, аммо уни таъмирлаб, сотганидан кейин марҳумнинг хорихида яшайдиган узоқ қариндоши пайдо бўлиб, мерос ишини очганини айтмоқда. Бу иш қандай яқун топади?

– Қонунчилигимизга кўра, фуқаро ўзининг

номида бошқа уй-жой бўлса ёки у рўйхатдан ўтган хонадонда олти ойдан ортиқ вақт яшамаса, унинг уйдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш масаласи суд тартибиде кўриб чиқиши керак.

– Яна бир мурожаатчининг таъкидлашича, у узоқ вақт хорихида яшаган. Қайтиб келса, яқин қариндоши унинг уйини сотиб юборган экан. Бу қонунга зид эмасми? У уйини қайтариб олиши мумкинми?

– Ушбу ҳолат қонунга зид ҳисобланади. Сабаби, бу ўринда фуқаронинг мулкка бўлган ҳуқуқи бузилган. Қонунчилигимизга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳиш иродаси билан ва ўз манфаатларини кўлаб эгаллик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этишини назарда тутяди. Бунда фуқаро судга ўзининг мулк ҳуқуқини тиклашни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаро қанча вақт хорихида бўлишдан қатъи назар, унинг мулкка бўлган ҳуқуқи

барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, унга қирмайдиган бир ёки бир нечта фуқарога ёки давлатга васият қилиб қолдириши мумкин.

Фуқарога уй-жой у ғамхўрлик қилган қария томонидан васият қилиб қолдирилган бўлса, қариянинг бошқа қариндошларида бу уй-жойга нисбатан ҳуқуқ қолмайди. Аммо ўртада васиятнома бўлмаган тақдирда, меросхўрнинг даъвоси қондирилиши мумкин. Шунда ғамхўрликни амалга оширган фуқаро уйни олган харидорга пулни қайтариб бериши, ўзи эса уй-жойни таъмирлаш, қарияни парвариш қилиш ва унинг дафи маросимлари учун сарфлаган харажатларини суд орқали янги меросхўрдан ундириши мумкин бўлади.

– Уй харид қилишда бу каби низоли ҳолатларга тушиб қолмаслик учун нима қилиш керак?

– Аввало, уй-жойни харид қилишда сотувчининг уй-жойга нисбатан эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати мавжудлиги, уй-жойда домий рўйхатда турган фуқароларнинг белгиланган муддатда рўйхатдан чиқиш мажбуриятини олганлиги, уй-жой эр-хотиннинг биргаликдаги яшаш даврида орттирилган бўлса, албатта, эр ёки хотиннинг уй-жойни сотишга бўлган нотариал розилиги борлигига эътибор қаратиш керак. Шунингдек, сотиб олинаётган уй-жойнинг низоли ёки низосиз эканлигини нотариал идоралардан сўров асосида аниқлаш мумкин.

Айтиш жоизки, уй-жой олди-бердисида фуқаролар ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун асосида иш юритиши, ҳар бир ҳаракатни ҳужжатлаштириш орқали амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Агар бу борада етарли ҳуқуқий билимга эга бўлишмаса, адвокатларга мурожаат қилиб, маслаҳат олишлари зарур. Бундан ташқари, телеграмм мессенжериде ҳар бир туман ва шаҳар адлия бўлимининг ҳуқуқий маслаҳат гуруҳлари бўлиб, унда фуқаролар ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб олиши мумкин.

Асқар БАРОТОВ суҳбатлашди.

ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
энг улуг, энг азиз байрам –*

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

билан табриклайди.



ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

*азиз ҳамюртларимиз ва
таълим соҳасида меҳнат қилаётган
ҳамкасбларини истиқлолимизнинг*

31 ЙИЛЛИГИ

билан қутлайди.



ЩЁЛКОВО АГРОХИМ

*Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
"Щёлково Агрохим-Ўзбекистон"
Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси
жамоаси вилоятимиз аҳлини Ўзбекистон
Республикаси мустақиллигининг
31 йиллиги билан муборакбод этади.*



Махсулотлар сертификатланган.

Байрамингиз билан, юртдошлар!

Кўпмиллатли халқимиз жона-жон Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик байрамини қалбда қувонч ва шукроналик туйғулари ила нишонламоқда.

Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғ-у роғлар, бетакорор маданий обидалар бунёдкори сифатида шўхрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан қутиб олмақда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги корхоналар, замонавий уй-жойлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, равон йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Ўзбекистон энергетика соҳаси, хусусан, электр энергетика тармоғида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Турмуш фаровонлиги ошиб бораётган халқимиз — истеъмолчиларни рози қилиш учун биз, энергетиклар



файз-барака, оилаларимиздан бахт-иқбол аримасин! Ватанимиз равнақи учун аҳилликда меҳнат қилишдан толмайлик!

**Ҳурмат билан,
"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари"
акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
ДАДАЖОН ИСАКУЛОВ.**

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Жабаков Эгамбердига (2017 йил 6 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Джулиев Рамазан Кубаевичга (2021 йил 25 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-зона.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Худойбердиев Рустам Усмоновичга (2021 йил 16 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Зейтуллаев Дилъвер Бейтуллаевичга (2014 йил 10 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Сафаев Мирсадиға (2012 йил 2 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Қўшработ туманидаги Қушманов Икматулло Хасанович яқка тартибдаги тадбиркорнинг дуналоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қoшидаги 1-сон академик лицейидан 2018 йилда Раҳимов Ҳумоюн Жуманиёз ўғли номига берилган рўйхат рақами 047, L № 336266 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҳали жуда кўп ва самарали меҳнат қилишимиз зарур.

Халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган тармоқдаги ўнлаб йирик лойиҳаларни амалга ошириш — биз учун дастуруламал, ўз олдимишга қўйган олий мақсад.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзим ва кўпсонли жамоамиз номидан барчангизни Истиқлол шодиёнасининг 31 йиллиги билан самимий муборакбод этаман!

Юртимиз тинч-осуда, халқимиз омон бўлсин! Қасб-коримиздан

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Тойлоқ туман бўлими томонидан 2021 йил 24 августда давлат рақами 30 НА 212 бўлган экскаватор учун берилган UZ-AA 131795 серияли техник паспорт Тойлоқ тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99893-237-42-43.

ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!

"Зарафшон" газетасининг 2022 йил 30 август 100-сон 3-саҳифасида "БЕКОР ҚИЛИНАДИ" сарлавҳаси остида Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 152-уй, 12-хонадон учун тузилган олд-сотди шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилган. Ушбу шартнома топилганлиги сабабли мазкур эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!

Самарқанд шаҳри Мир Саид Барака кўчасида жойлашган, 2 та оилага мўлжалланган уй сотилади.

Телефон: +99891-550-79-46.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси вилоят ва туман-шаҳар кенгашлири жамоалари тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси Булунғур туман кенгаши раиси Акмал Эгамбердиевга отаси

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Туркмановул қишлоғида 2 та, Алангуз ва Йўғонтаёқ қишлоқларида биттадан янги трансформатор ўрнатилди, яна иккитаси энди келтириляпти, – дея сўзида давом этади маҳалла раиси. – Пастки-овул, Марказ ва Йўғонтаёқ қишлоқларида 25 дондан, Қизил кулоқ ва Булоқбошида 20 дондан, Кудукчада 17 дона, умуман, маҳалламизда шу пайтгача 158 дона яроқсиз ҳолга келиб қолган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Пасткиовулдаги ишламай турган сув иншооти таъмирланиб, сув чиқарилди. Маҳалламизга киришда ва марказда тунги чироқлар ҳам ўрнатилдики, кечаси ҳам худди кундуздак, шаҳар кўчаларида юргандек ҳис қиласиз ўзингизни. Яна бир катта янгиликни айтишимиз мумкин – Булоқбоши қишлоғимизга 13 километр масофада оптик толали тармоқ тортилди. Энди интернет муаммо бўлмайдиган бўлади. Одамлар уйига тармоқ тортиб оляпти, Wi-Fi ўрнатапти. Мобил алоқа сифатини яхшилаш учун антенна ўрнатиш ишлари ҳам бошланган. 36-мактаб филиали биноси таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Энг муҳими, ана шу мактабга болаларимиз бориши учун автобус ажратилди. Вилоят ҳокимидан шу масалада ёрдам сўраганимизда, мактаб учун алоҳида автобус берамиз, деганида, тўғриси, кўпчилик ишонмаганиди. Энди эса бу гаплар амалга оширилади. Бу ўзгаришлардан маҳалладошларимиз кайфияти чоғ, ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Эртанги кундан умидлари катта. Ҳа, айтгандай, маҳалламиз учун ҳам янги бино қуряпмиз, асосий ишлар якунига етиб қолди. Насиб этса, кейинги гал келганларимизда янги биномизда кутиб оламиз.

Маҳалланинг паспортига кўз югуртираимиз. 11 минг 500 гектар ҳу-



дудга эга Ғаллакор саккиз қишлоқдан иборат экан, Пайариқнинг энг катта маҳаллаларидан бири. 1040 дан ортиқ хонадонда 7 мингга яқин аҳоли яшайди. Эътибор беринг, шунча аҳоли орасидан 7 тагина оила кам таъминланган оила сифатида рўйхатда тураркан. “Темир дўқтар”да рўйхатга олинган оилалар 5 та, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар 1 нафар. “Аёллар дафтари”да қайд этилганлар нисбатан кўпроқ – 77 нафар. Лекин барибир, бу рақамлар ғаллакорликларнинг меҳнатқашлиги, рўзгорини обод қилиш учун ўзи ҳаракат қилишидан далолат беради. Аҳоли асосан, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. 26 фермер ҳўжалигида меҳнат қилувчилардан ташқа-

ри, мавсумий ишларда ишловчилар ҳам кўпчилик.

Нима учун бу маълумотларни келтиряпмиз? Демократизм, шунча аҳоли айна вақтгача олис бир қишлоқда шунча муаммолар гирдобидан, эртанги кундан умид қилиб яшаган. Президентимиз раҳбарларни энг қуйи тизимда, одамлар орасида юриб, маҳаллабай, хонадонбай ишлашга даъват этиши, мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсати ушбу тамойилга асослангани туфайли уларни йиллар давомида қийнаб келган масалалар қисқа фурсатларда ҳал этилмоқда.

Бўлар экан-ку. Бир неча йиллик муаммоларга бир неча ойларида ечим топиш имконияти бор экан-ку. Маҳалла аҳолиси билан суҳбатлашганимизда қайта-қайта айтилган сўзлар шу бўлди. Ростдан ҳам раҳбарларнинг олис қишлоқларга кириб бориши, одамларни тинглаши натижасиз, беиз кетмапти. Мана, давлат раҳбари қўётган талабнинг моҳияти, мана, инсон қадрини ушбу тамойилнинг амалий ифодаси.

– Беш нафар фарзандимнинг 4 нафари мактабга боради, – дейди Севара Худоевора. – Мактаб узоқлиги сабабли топган пулимиз болаларнинг пойабзалига сарфланарди. Шунинг учун вилоят ҳокими-га ушбу муаммо ҳақида айтиб, ёрдам сўраганимиз. Худого шукр, янги ўқув йилидан болаларимиз мактабга автобусда қатнайди.

Ҳа, дарвоқе, Пайариқда (юртимизнинг бошқа худудлари ҳам) Ғаллакор сингари олис маҳаллалар кам эмас. Биргина шу худуднинг ўзида бир неча минг аҳоли яшаётган Накурт ва Қўлтўстин маҳаллалари ҳам борки, Ғаллакорда бошланган ишлар бу қишлоқларда ҳам давом этмоқда, худудлар инфратузилмаси яхшиланиб, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратилмоқда.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

Мулоҳаза

Жамиятнинг бугунги аҳволини таҳлил қилиб, камона ушбу саволга қувваи ҳофизам даражасида қуйидагича жавоб топдим:

Болаларимизни нимадан ҳимоя қилиш керак?

Биринчидан, носоглом оилавий муҳитдан, аниқроғи, боласига иборат бўла олмаётган ота-онадан. Чунки бунинг аянчилиги оқибатини бир умр тўзата олмаймиз.

Иккинчидан, ёши катталар ва устозларнинг ёшлар тақдирига бефарқлигидан. “Менга нима, сенга нима”дан. Маҳаллада, қариндошлар ўртасида кўзга ташланган бир нафар ёмон бола, агар назорат қилинмаса, бошқаларни ҳам ёнига тўплаши мумкинлигини унутмайлик.

Учинчидан, тамағир, худбин устоз ва мураббийлардан. Зеро, илмсиз, иқтидорсиз болани эркалатиш, манфаат учун уни рағбатлантириб туриш келгусида жамият учун ўртамиёна одамни, энг ёмони, мунофиқни тарбиялаш билан баробар.

Тўртинчидан, кун сайин авж олиб бораётган бетайин шоу гуруҳлардан. Улар ёшлар онгига тез таъсир қилади ва уларни бошқа фойдалардан чалғитади. Шунинг учун “Беш ташаббус” ҳаракатини кенг қулоч ёздириб, қишлоқ ва маҳаллаларда ёшларга иқтидорини намойиш қилиши учун тадбирларни кўпайтириш зарур.

Бешинчидан, китоб, илмий изланиш ва шахсий тафаккурдан мосуво этувчи восита ва қурилмалар - телефон, планшет, гаджет ва бетайин сайтлардан. Аммо бунинг учун уларга ана шу зарарли воситалар ўрнини босувчи тадбир ва воситаларни тақлиф этишимиз зарур.

Шундай ҳулосага келдимки, болаларни ҳимоя қилишининг энг мақбул усули бу ота-онанинг оиладаги ибратидир. Ҳар ким ҳар кун ўзига “мендан фарзандим нимами ўраняпти?” деган саволни беришга одатлансин. Зеро, бу саволга жавоб ота-онанинг жамиятдаги ўрнини ҳам белгилайди.

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

Палиндром катта тарихга эга жанр

Палиндром қадимги грек тилида “қайтувчи, ҳаракат қилувчи” маъноларини билдиради. У бошдан ҳам, охиридан ҳам бир хил ўқиш мумкин бўлган сўз, иборат, гапларни ифода-лашга хизмат қилади. Палиндром катта тарихга эга бўлиб, бундан икки минг уч юз йил муқаддам қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Юнонлар амфора, коса, қадаҳ, ваза, кўза сингари доира шаклидаги турли хил идишларга палиндром ёзувларни зеб-зийнатлар билан безаб туширган. Бу буюмларни қўлда айлантирганда, ўнгдан ҳам, чапдан ҳам бир хил ўқиш мумкин бўлган.

Биринчи палиндромлар эраимиздан олдинги III асрда Сотадес Маронейский томонидан ёзилган. Айниқса, ўрта асрларда палиндромлар кенг тарқалиб, оммабоп иборалар вужудга келган. Давр ўтиши билан минг йиллардан кейин бундай палиндромлар энг оммабоп ҳисобланган бошқотирма – кроссворднинг юзага келишига хизмат қилган.

Аслида палиндромлардан ташқари икки томонлама ўқилиш хусусиятига эгаллиги билан таърифланган йирилма сўз қурилмалар мавжудки, улар тескари ўқилганда тўғри ўқишдан фарқ қилмайдиган қандайдир маънога эга матн пайдо бўлади. Палиндром поэзия йўналишида ёзилса, бир чизиқли, яъни қаторларга бўлинмасдан ёзилиши

мумкин. Бир қаторли палиндромлар афоризмга яқинроқ туради. Россияда палиндромлар XVII асрдан кейин пайдо бўлган. Рус адабиётида палиндром яратилиш XX асрнинг 70-90-йилларида кўраи даражага кўтарилган. Бу жанр шарқ мумтоз адабиётида “қалб” ва “мақлуб” шаклида қўлланилган. Ушбу шеърини санъат тўғрисида ўзбек, араб ва форс тилларида бир қатор илмий асарлар яратилган. Бу мураккаб, аммо жуда қизиқарли жанр. Сўз мулканинг султони Алишер Навоий қадимий адабий жанр (мақлубот) ҳақида шундай ёзган: “Бовужуди ихтисор мақлуби муставий санъатида ким, андин мушуқулроқ санъат бўлмас”.

Сермахсул ижодкор Исмаил Санаев ушбу жанрда қалам тебратётган кам сонли ижодкорлардан. Унинг 2019 йилда “Бобур ана, рубоб” номли китоби ҳам айтиш учун услубда битилган бўлиб, ўз ўқувчиларини топган эди. Яқинда унинг “Ана қизиқ, ана” китоби нашрдан чиқди.

Мазкур китоб назмда битилган 1303 байт ва насрий йўлда ёзилган 48 жумлада 3 минг 700 та палиндромдан ташкил топган. Шунингдек, унда бу қадимий жанрда ўтмишда қалам тебратган ижодкорлар ҳам тилга олинган.

Янги китоблар



“Шукрона”

Эзгу истакларини назмда баён этиш кам сонли китобларгагина хос фазилат. Ижодкор Абдумурод Исмаилов ана шундай бахт насиб қилган инсонлардан.

Шоирнинг яқинда чоп этилган “Шукрона” шеърини тўпламидан меҳр-оқибат, муҳаббат, инсонийликни мадҳ этувчи шеърлар ўрин олган.

Тўпламни варақлар экансиз, ижодкорнинг инжа ҳис-туйғуларини ифода этувчи шеърларидан баҳраманд бўласиз. Шунингдек, китобдан шоирнинг ғазаллари ва ҳажвийлари ўрин олган.

“Тафаккур дурдоналари”

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Акбар Имомовнинг яқинда чоп этилган “Тафаккур дурдоналари” китобида минг йиллар давомида халқнинг юксак ақл-заковати меваси бўлган нодир ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари, гўзал иборалар, панд-насихатлар жамланган.

Муаллиф бу қадимий ҳикматларни нафақат тўплаган, балки ҳар бирига ижодий ёндашиб, янги шакл ва мазмун бағишлаган. Қисқа жумлаларда кенг қамровли тафак-

кур маҳсули бўлган ноёб фикрлар ўз ифодасини топган, унда муаллифнинг ҳаётини кузатишлари ҳосилалари, фикрлари қаймоғи ўрин олган. Ҳикматлар мазмунан ота-она азизли-



С.МАРДИЕВ.

Тахмина Икромова:

Отамнинг ниятини амалга оширдим

Қаҳрамонимиз Тахмина Икромова 2004 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. 14 йилдан буён бадий гимнастика билан шуғулланиб келади. Фаолияти давомида Ўзбекистон, Осиё чемпионати, жаҳон кубоги ва халқаро турнирлар совриндори бўлган.

– Ёшлигимдан бадий гимнастикага қизиққанам ёки шифокорлар оиласи бўлганимиз учунми, қизимиз спортчи бўлишини истаганимиз, – дейди Тахминанинг онаси Мадина Икромова. – Отаси доим қизим чемпион бўлиб, олтин медални қўлга киритади, дердилар. Афсуски, бевақт ўлим сабабли буни кўриш оиламиз бошлиғига насиб этмади. Аммо Тахмина отасига берган ваъдасини бажаряпти – жаҳон арена-ларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, ишончимизни оқлапти.

Тахмина яқинда Туркиянинг Конья шаҳрида ўтказилган Ислон бирдамлиги ўйинларида битта олтин ва бешта кумуш медални қўлга киритди.

– Спортга кириб келишимда ота-онанинг ҳиссаси катта, – дей-

ди Тахмина. – 4 ёшимда улар бадий гимнастикага бергандан кейин устозим Елена Асланова қўл остида машғулотларга киришдим. Айниқса, лента ва тасмада машқ бажаришга қизиқишим жуда ортди. Беш ёшимда илк марта мактабда ўтказилган мусобақада биринчи ўринни қўлга киритдим. Кейин бирин-кетин катта мусобақаларда ҳам иштирок этиб, яхши кўрсаткичларга эришдим. 2015 йилда терма жамоага қабул қилинишим мен учун имконият эшикларини очди.

Ўзбекистон, Осиё ва халқаро турнирларда совриндор бўлдим. Айниқса, шу йил апрель ойида пойтахтимизда ўтказилган жаҳон кубогида 3 та олтин ва 1 та бронза медалга сазовор бўлдим. Яқинда ўтказилган Ислон бирдамлиги

ўйинларида эса бадий гимнастика бахсларининг яккалик (обруч) йўналишида олтин медални, лента, копток, булова ҳамда жамоавий яккалик бахсларида кумуш медални қўлга киритдим. Албатта, бу ютуқларга эришишимда терма жамоадаги устозим Лилия Власованинг меҳнатлари катта. У киши билан биргаликда Тошкентда 3 йилдан буён тайёргарлик олиб борапмиз. Мусобақаларда осон бўлмапти, лекин мақсад битта – ғалаба қозониш ва юрт шаънини ҳимоя қилиш. Ҳозир ҳам Парижда ўтказилмайдиган мусобақаларга тайёргарлик машғулотларини олиб борапмиз. Насиб этса, ушбу нуфузли мусобақада ҳам олтин медални қўлга киритаман.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

1 СЕНТЯБРЬ

Йўлдош ЭШБЕК – 1952 йилда Иштихон туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, шоир.

2 СЕНТЯБРЬ

Ориф ИКРОМОВ – (1926-1971) Жиззах шаҳрида туғилган. Филология фанлари доктори, шоир.

5 СЕНТЯБРЬ

Равшан МАҲМУДОВ – (1925-1943) Самарқанд туманида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қаҳрамон.

Абдувоҳид ЖУМАОБЕВ – 1950 йилда Пайариқ туманида туғилган. Физика-математика фанлари доктори.

Муродқосим АБДИЕВ – 1963 йилда Ғаллаорол туманида туғилган. Филология фанлари доктори.

31 август – Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

Айбсиз азобланганлар эсланди

Самарқанд давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси вилоят музейида қатагон қурбонлари авлодларимизнинг фарзандлари, набиралари билан учрашув ўтказилди.

Қатагон қурбонлари музейи ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда қатагон қурбонлари фарзанд ва неваралари – Нодир Азизов, Фарход Ализода, Лола Акрамова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўша машум йиллар, қатагон бўлган ота-боболари ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди.

Ш.ШОДИЕВ.

Тўйхоналар олдида нега машина сақлаш жойи йўқ?

Бугун қишлоқ жойларда ҳам катта-катта тўйхоналар қурил-япти. Унда тўй-маъракаларга келувчилар учун қулайликлар кўп.

Аммо тўйга боришинг билан бир нарсани доим киши дилини хира қилади. Тўй эгаси меҳмон тақлиф қилишни режалаштирганда фақатгина тўйхонанинг сифатини ҳисобга олади. Автомобиль қўйиш жойи бор-йўқлигини ўйламайди ҳам. Тўғри, бу тадбиркорнинг муаммоси аслида. Аммо тўй эгалари ҳам тўйхона танлашда бунга алоҳида эътибор беришлари лозим, деб ўйлайман.

Тўйга келган меҳмонлардан ким-

дир кириш эшиғи олдида машинасини қолдирса, биров унинг ортидан тақаб кўяди. Оқибатда аввал келган одам чиқиб кетаётганда кейинги келган кишини безовта қилишга мажбур бўлади. Энг ёмони, тезда чиқаман, деб машинасини катта йўлда қолдириб кетади. Шулар сабаб қишлоқ йўлларида ҳам тирбандлик юзага келади. Бирор зарур юмуш билан шошаётган кишиларга халал беради.

Тўйхона, ошхона қураётган тадбиркорларга мутасаддилар бугунги кун талабидан келиб чиқиб, машина сақлаш жойлари ташкил қилиш мажбуриятини қўймаймиз?

Турди ТУРСУНОВ, Пайариқ тумани.

MATBUOT UYI

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 392 nusxada chop etildi. Buyurtma 570. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.HAYDAROV.

Navbatchi:

O'.XUDOYBERDIYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda